



«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҶИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ БОСҚИЧИДА ПЕДИАТРИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ» ЎЗБЕКИСТОН ПЕДИАТРЛАРИНИНГ IX СЪЕЗДИ

4-6 октябр 2024 йил

Тошкент ш., 2 Шахрисабз кўчаси,
«InterContinental Tashkent» меҳмонхонаси

АХБОРОТ ХАТИ

ҲУРМАТЛИ ҲАМКАСБЛАР!

**Сизларни 2024 йил 4-6 - октябр кунлари ўтказиладиган
«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҶИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ БОСҚИЧИДА
ПЕДИАТРИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ» халқаро иштирокида
ЎЗБЕКИСТОН ПЕДИАТРЛАРИНИНГ IX СЪЕЗДИ ИШИДА
иштирок этишга таклиф этамиз**

**Ўтказиш жойи: Ўзбекистон, Тошкент ш., 2 Шахрисабз кўчаси,
«InterContinental Tashkent» меҳмонхонаси**

СЪЕЗД ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги,
- Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази,
- Тошкент педиатрия тиббиёт институти.

Съезд Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2023 йил 8 сентябрдаги ПҚ-296-сонли «Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сонли «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сонли «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 6 январдаги ПҚ-4310 сонли “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891 «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида»ги қарорларида белгиланган асосий вазифаларни амалга ошириш доирасида ўтказилади.

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА

Раис:

Асилбек Анварович Худаяров – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири

Раис ўринбосарлари:

Фаррух Рахимович Шарипов – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари

Фарҳоджон Муҳаммаджонович Ташпулатов - Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари

Эльмира Иркиновна Баситханова - Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари

Абдуманноп Абдумаджитович Абдукаюмов - Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директори (съезд координатори)

Ботир Турғунпулотович Даминов – Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг ректори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПЕДИАТРЛАРИ IX СЪЕЗДИ илмий дастурининг асосий йўналишлари

- Ўзбекистон Республикасида Педиатрия хизматини янада ривожлантиришнинг тиббий, ижтимоий ва ташкилий масалалари;
- Педиатрияда тиббиёт фанининг янги ютуқлари;
- Болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш масалаларида халқаро ҳамкорлик ва Ўзбекистон Республикасида кадрлар тайёрлаш;
- Педиатр амалиётида ижтимоий-аҳамиятга эга бўлган касалликлар. Болалар ногиронлиги муаммолари;
- Чақалоқларга бирламчи ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишнинг муаммолари ва истиқболлари.
- Она сути билан боқиши ва эрта ёшдаги болаларни овқатланишининг долзарб муаммолари;
- Болаларга тиббий ёрдам кўрсатишда замонавий технологиялар;
- Педиатр амалиётида эмлаш масалалари;
- Педиатрия хизматининг мультидисциплинар йўналишларини ривожлантиришнинг илмий ва амалий қирралари.
- Педиатрияда кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларни замонавий ташҳислаш, даволаш ва реабилитацияси.
- Болалар оториноларингология, аудиология ва отонейрологиясининг долзарб муаммолари;

- Педиатриядаги инновацион технологиялар;
- Болаларда постковид синдроми диагностикаси муаммолари, белгилари ва оқибатлари, даволашга ва уларни дисциплинар аро бошқарув.
- Педиатрияда лаборатор-инструментал имкониятлар: клиник-биокимёвий, клиник-иммунологик, клиник-радиология, тиббий генетика, аудиологик скрининг;
- Тиббий ёрдам кўрсатиш сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш.
- Беморларда касалликларни назорат қилишда телемедицинанинг роли: масофавий таълим, масофавий маслаҳат, телеконференция.

Съездда иштирок этиш шакллари: маъруза билан, стендли маъруза билан, маърузасиз, съезд материалларида нашриётлар билан. Тезисларни чоп эттирилиши бепул. Съезд ишида ўзбек, рус ва инглис тилида иштирок этиш мумкин.

Съезд доирасида иштирокчиларнинг барчасига қизиқиши үйғотадиган Ўзбекистон ва хорижнинг етакчи олимлари ва малакали мутахассислари иштирокида педиатриянинг устувор йўналишлари бўйича секцион мажлислар, маҳорат дарслари ўтказилади.

Стенд маърузалар.

Плакатлар ўлчамлари: 118x108 (бўйи x эни) - 2та доклад учун, 118x54 - 1та доклад учун.

МАТЕРИАЛЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ (тезислар)

Тезисларни тайёрлаш бўйича талаблар:

Тезис ҳажми 1 бетдан иборат бўлиб, А4 форматда, Times New Roman 12 шрифтида, 1,0 интервалда ёзилади; чап тарафдан 3 см, ўнгдан 1 см, юқори ва пастдан 2 см дан, абзацга 1 см дан қолдирилади. Биринчи қаторда мавзуу бош ва қоралаштирилган харфларда ёзилади, бир интервал қолдириб иккинчи қаторда муаллифларнинг фамилияси ва инициаллари, бир интервал қолдириб учинчи қаторда ташкилотнинг тўлиқ номи, шаҳар ва давлат номи, сўнг икки интервал қолдириб тезис матни ёзилади. Тезис номида қисқартиришлар бўлмаслиги керак. Тезис кириш қисм, илмий ишнинг мақсади, материал ҳажми ва текшириш усуллари, олинган натижа ва хulosалар каби қисмлардан иборат бўлиб, жадвал ва расмлар киритилмайди. Тезис мавзуу унинг мазмуни билан мос бўлиши керак. Текст яхшилаб таҳрирланган бўлиши, ўзбек тилида ёзилган текстларда ўзбек харфларининг барча элементлари киритилган бўлиши шарт. Файл биринчи муаллифнинг фамилияси билан номланади, тезис бир нечта бўлса номери кўрсатилади масалан: Акрамова Н.М.1, Акрамова Н.М.2.

Биринчи муаллиф сифатида факат 2 та тезисда иштирок этиш мумкин. Тезислар 2 нусхада қофозда, ва электрон вариантида юборилади, 2-нусханинг охирида илмий раҳбар ва муаллифларнинг имзоси, хизмат ва шахсий телефон рақамлари, электрон манзили кўрсатилади. Талабга жавоб берилмай шакллантирилган тезислар чоп эттирилмайди.

Тезисларни қабул қилишнинг охирги муддати - 5 июл 2024 йил.

Съезднинг илмий дастурида маъруза билан иштирок этиш бўйича таклифларингизни 2024 йил 5 июня гача юборишингизни сўраймиз.

Тезисларни шакллантириш намунаси:

ЧАҚАЛОҚЛАРДА ГИПЕРБИЛИРУНИМЕИЯ РИВОЖЛАНИШИННИНГ ПАТОГЕНЕТИК ЖИҲАТЛАРИ

Ф.Р. Абдурахманова, Б.У. Агзамходжаева, Н.Д. Ишниязова
Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий
тиббиёт маркази, Тошкент ш., Ўзбекистон

Ташкилий қўмита:

Наргис Хайруллаевна Мирсалихова – ЎзР ССВ РИПИАТМ илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, т.ф.д., тел.: +998 (71) 229-41-22, e-mail:
rsspmcp@pediatriya.uz

Раъно Анварбековна Мусажанова – ЎзР ССВ РИПИАТМ илмий котиби, т.ф.д., тел.: +998 (93) 527-76-74, e-mail: rsspmcp@pediatriya.uz

Маргуба Рахматуллаевна Ташпулатова – ЎзР ССВ РИПИАТМ Ички назорат ва ташкилий-услубиой бўлим бошлиғи ўринбосари, тел.: +998 (99) 522-41-93.

Светлана Игоревна Геллер – ЎзР ССВ РИПИАТМ ҳалқаро бўлим раҳбари, т.ф.н., тел.: +998(93)524-19-41, e-mail: rsspmcofpediatrics@gmail.com

Ирода Бахтияровна Касимова – ЎзР ССВ РИПИАТМ ҳалқаро бўлим ходими, тел.: +998 (99) 812-37-08, e-mail: rsspmcofpediatrics@gmail.com

Роҳатой Исқандаровна Маматкулова – ЎзР ССВ РИПИАТМ ҳалқаро бўлим ходими, тел.: +998 (99) 011-92-31, e-mail: rsspmcofpediatrics@gmail.com

Барно Улугбековна Агзамходжаева – ЎзР ССВ РИПИАТМ ой кунига етмай туғилган чақалоқларни парваришлаш бўлими невропатологи, фалсафа фанлари доктори (PhD), тел.: +998 (97) 734-08-02.

Фазлиддин Нуриддинович Назиров – ЎзР ССВ РИПИАТМ шифокор - сурдологи, касаба уюшмаси раиси, тел.: +998 (97) 725-55-22.

Азamat Джураевич Разаков - ЎзР ССВ РИПИАТМ шифокор - сурдологи, Ёшлар қўмитаси раиси, фалсафа фанлари доктори (PhD), тел: +998 (97) 414-97-71, e-mail: razzaqov.uz@mail.ru

Марказнинг илмий бўлим раҳбарлари ва бўлим мудирлари.

Ташкилий қўмита манзили:

Тошкент ш. 100179, 2-Чимбой,

Талант-тор кўчаси 3-ий, ЎзР ССВ РИПИАТМ

Съезд бўйича тезисларни ушбу почта rsspmcp@pediatriya.uz орқали юборишингизни сўраймиз.

Съезд якунида иштироқчиларга сертификат тақдим этилади.

Хурмат билан Съезд ташкилий қўмитаси!